

**ХАЛҚ ДОСТОНЛАРИДА ИЖТИМОЙИ-СИЁСИЙ
МУНОСАБАТЛАРНИ ВА МАЪМУРИЙ- ҲУДУДИЙ БЎЛИНИШНИ
ИФОДАЛОВЧИ ЛЕКСЕМАЛАР**

Манзура Тулагановна Нарматова

ўқитувчи

Жиззах давлат педагогика университети

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7695613>

Таянч сўзлар: дoston, лексема, бахши, луғат, ҳукм, фармон, русум, юрт, мамлакат, ўлка

Аннотация: мақолада “Малика айёр”, “Баҳром ва Гуландом” дostonларида ижтимоий-сиёсий муносабатларни ва маъмурий-ҳудудий бўлинишни ифодаловчи лексемалар таҳлил қилинган.

Халқ дostonлари матнида, хусусан, биз ўрганган “Малика айёр”, “Баҳром ва Гуландом” дostonлари тилида ижтимоий-сиёсий турмушнинг кенг қамровли соҳаларига оид лексемалар фаол қўлланган. Шулардан бири ижтимоий- сиёсий муносабатларни билдирувчи лексик бирликлар (масалан, ҳукм, фармон, русм, эҳсон, тухфа, хирож, пешкаш, қонун, қоида, табаррук, ҳидоя) саналади. Биз қуйида уларнинг айримларини кўздан кечирамиз: этимологик хусусиятлари ва қўлланиш ҳолатлари ҳақида қисқача тўхталамиз,

Ҳукм: асли этимологик жиҳатдан арабча сўз бўлиб, ҳукмронлик; ҳокимият, бошқариш; тузум, қарор, тўхтам, буйруқ; фикр, тушунча каби маъноларни ифодалашга хизмат қилади. Биз ўрганган “Малика айёр” дostonи матнида бу лексема фақат тўрт ўринда, унинг ҳукмиман шаклдоши эса бир марта қўлланган: Бунда келиб ғариб бўлиб зор-зор, Не қилса ҳукми бор қудратли жаббор (М.А.48-бет); Бу сўзни айтиб йиғлаб ҳаққа зору-зор, Не қилса ҳукми бор қудратли жаббор (М.А.82-бет); Уч ошиқ ҳукмиман ютиб Заргарбек, Оқ юзидан олди олти муччини (М.А.116-бет).

Лисоний далил сифатида берилган ушбу матнларнинг биринчиси ва иккинчисида (ҳукми бор жуфтлигида) “бирон иш қилиш изм-ихтиёри ўзидалиги”, “имконият борлиги” маънолари устуворлик қилган. Учинчи мисолда (матнда) кўчма “буйруқ, амр” маъноси ўз ифодасини топган. Мазкур лексема биз ўрганган “Баҳром ва Гуландом” дostonи матнида учрамади.

Фармон: форсча сўз бўлиб, “амр, ҳукм: кўрсатма, қатъий-қарор” маъноларини ифодалайди. Адабий-бадий асарларда, халқ оғзаки ижоди намуналарида бу лексема бирор ишнинг бажарилиши ҳақида бериладиган буйруқ, ҳукм, топшириқ: амр маъноларини ифодалашга хизмат қилади.





Биз ўрганган “Малика айёр” достонида мазкур лексеманинг фармони, фармоним, фармонлар каби шаклдошлари икки-уч мартадан қўлланган. Шундай бўлди менга ҳақнинг фармони, Сизни туққанларнинг борми армони. (М.А.52-бет); Ёр ахтариб жудо бўлдим юртимдан, Ҳасратман айрилиб мамлакатимдан, неча шаҳар эрди ҳукми фармоним, Шу ғурбатга солди бир гўзал золим (М.А.156-бет). Келтирилган матнларнинг дастлабкисида Гулқиз ойимнинг Авазхонга қилган мурожаатида: - Қайси мамлакатдан келдинг? деган сўровига худонинг сифатларидан бири (ҳақ) лексемаси қўлланган ва “тўғри, рост, чин, ҳаққоний” маънолари ифодаланган. Иккинчи матнда эса “ҳукмронлик қилмоқ” маъноси устуворлик қилган. Биз ўрганган “Баҳром ва Гуландом” достонида фармон лексемаси қўлланмаган.

Русум, расм-русум. Бу лексема этимологик жиҳатдан арабий бўлиб “расм” сўзининг кўплиги ҳисобланади; расм ва одатлар, расм-русумлар; қоида-низомлар маъносида қўлланади. Халқдostonлари тилида ва оғзаки сўзлашув нутқида “расм-русум”; айрим ҳолларда “расм” шаклида фаол ишлатилган. Биз ўрганган “Баҳром ва Гуландом” достонида бу сўз бирлиги учрайди. Буни Булғор шахридан хат (нома)ни олиб келган элчиларнинг Фағфур шоҳ дарвозабонларига айтган қуйидаги гапидан билса бўлади, унда қўлидаги хатни бировга бермаслиги, элчиликдаги қатъий расм-русум сир сақланиши ва фақат подшоҳнинг ўзига хатни беришининг эпик баёни берилган: Элчи айтар: “Бундай ишлар бўлмайди, Элчининг одати шундай бўлади! Ҳар кимга хатни бериб юрмайди, Шундай бўлса агар мақсадин Подшонинг ўзига тегади хатинг, Биз элчининг шудир расми, одати (Б.Г.60 - бет); Элнинг расими шундай бўларми, Ҳеч замонда кучукка хун оларми? Бу кунингдан ўлсанг бўлар, Қосимшоҳ (Б.Г.88-бет).

Мерганлар айтди: - Авазжон! Бошқага бандаргоҳ бўлса, кириб чиқмоққа расм бўлса, сенга касм бўлди (М.А.46-бет). Кейинги берилган ҳар иккала матнларда расм лексемаси “муайян урф-одат, расм-русум, қоида-низом” маъносида қўлланганлиги сезилиб турибди. Умуман, “Баҳром ва Гуландом” достонида мазкур лексеманинг расми 2 марта, расмин, расмини каби вариантлари бир мартадан қўлланган ва уларнинг ҳаммаси юқорида қайд этилганларни ўзида ифода этган.

Ижтимоий-сиёсий муносабатларни шакллантириш ва ривожлантиришда маъмурий-худудий бўлинишни ифодаловчи лексемаларнинг ўз ўрни, вазифалари мавжуд. Аслида бу типдаги сўз бирликларининг пайдо бўлиш тарихи муайян жамиятнинг пайдо бўлиши





даврига бориб тақалади. Жамият бор жойда муайян маъмурий-худудий бўлинишлар ва уларнинг ўзига хос тартиб-қоидалари устуворлик қилади. Агарда жамият тарихига назар солинса, илк мулкчилик шакллана бошлаган даврдаёқ мавжуд худудлар ҳам мулккий кўриниш тарзида аста-секин тақсимланиб борган. Буларнинг ҳаммаси ижтимоий-сиёсий ҳаётда ва унинг тилида ўз изини қолдирган. Маъмурий худудий бирликларни номлашда энг аввало, муайян жойнинг хусусиятлари, жамиятдаги ўрни ва истиқомат қилувчиларнинг ўзига хос ва мос жиҳатлари назардан қочирилмаган. Айтилишига асос бўлган лингвистик ва экстралингвистик ҳолатлар аҳоли орасида маъмурий-худудий бўлинишни ифодаловчи лексемаларнинг кундалик-маиший ҳаётда, турмуш тарзида фаол қўлланишига асосий сабаблардан бири бўлган. Биз қуйида шу типдаги лексемаларнинг халқ дostonларида қўлланишини қисқача кўздан кечирамиз.

Юрт: лексема соф туркийча сўз бўлиб, унинг қўлланилиш миқёси қадимги даврларга бориб тақалади. Она тилимизнинг изохли луғатида унинг икки хил маъноси мавжудлиги қайд этилган: 1. Маълум халқ, аҳоли яшаб турган жой, ўлка, мамлакат, ватан; 2. Бирор мамлакат ёки ўлкада яшовчи халқ; эл; аҳоли (ЎТИЛ, V, 93-бет). Мазкур маънолардаги лексемалар таҳлилга жалб этилган иккала дoston матнида ҳам кўплаб учрайди. Бу ўринда айрим мисоллар келтириш билан чегараланамиз: Чамбилнинг юртига, Гўрўғлининг устига қўшин тортиб бораётган эди (М.А. 28-бет); Хурум юртидан келган қанча амалдор, отланиб шу замон сафда амалдор... (Б.Г 115-бет); Чин шаҳри дегани ажойиб ердир, Бир ғулғула бул ҳам катта шаҳардир, Бу юртларнинг бунда эгаси бордир, Етдик деб, Баҳромнинг кўнглига келди (Б.Г 55-бет); Сабл қилдинг, Торкистондай юртингни, Ташлаб кетдинг бундай мамлакатингни... (М.А. 121-бет).

Бу ўринда таъкидлаш лозимки, юрт лексемасининг “Малика айёр” дostonида юртга, юртда, юртимизда, юртини, юртингни, юртимизга каби 70 га яқин, шунингдек, “Баҳром ва Гуландом” да 45 га яқин шаклдошлари қўлланилганлиги аниқланди. Уларнинг ҳаммасида ҳам юқоридаги таъкидланган маънолар ўз ифодасини топган. Яна бир лисоний ҳолат кузатилди: Жуда кўпчилик матнларда юрт лексемаси ўлка, мамлакат, ватан, эл, халқ каби сўзлари билан маънодошлик қилган синонимлик вазифасини бажарган. Мисоллар келтирамиз:

1. Юрт (мамлакат, эл сўзлари орқали синонимлик): Мунинг подшолигини билди. Мунинг бирови Рум мамлакати подшоси экан, бирови



Чин-Мочин подшоси экан, - деди (М.А. 65-бет); Не сабабдан чиқдинг Чамбил элингдан, йўл бўлсин, Авазжон, қайга борасан? (М.А. 42-бет).

2. Юрт (эл, халқ сўзлари орқали синонимлик): Эл-у халқинг сендай бекка интизор (М.а, 159-бет); Эл-у халқингни эсингга олдингми, Ул сабабдан, болам, кўнглинг бўлдингми (М.А. 159-бет).

3. Юрт (ватан, халқ лексемаси орқали синонимлик): Сўзимни эшитгин шоҳим муқаррар, Отим йўлчи, ўзим юрган қаландар. Тарки дунё қилдим, Ватан не даркор (М.А. 92-бет).

Мамлакат: араб тилидан ўзлашма сифатида кириб келган мазкур лексема “салтанат, давлат, подшоҳлик” (ЎТИЛ, II, 534-бет) маъноларини билдиради. Биз ўрганган халқ дostonлари матнида бу лексема фаол қўлланган. Хусусан, “Малика айёр” достонида мамлакат, мамлакатдан лексемалари тўрт мартадан, мамлакатанингни уч марта, шунингдек мамлакатга, мамлакати, мамлакатидан, мамлакатим, мамлакатимдир, мамлакатимни, мамлакатинг, мамлакатни, мамлакатнинг каби вариантларининг ҳар бири бир мартадан қўлланган. Уларнинг ҳаммасида баъзан салтанат, баъзан давлат ёки подшоҳлик маъноларини ифодалаш устуворлик қилган. Фикримизни далиллаш мақсадида иккита матн келтириш билан чегараланамиз: Буни Гўрўғли султон кўриб, ошиқи беқарор бўлиб, ул паризодга қараб: - Асли жойинг, мамлакатинг қаерда? - деб сўраб турибди (М.А.8-бет); Чин-Мочин шаҳрида мамлакатимдир, Хон қаландар дейди менинг отимни, излаб чиқдим Малика паризотимди (М.А.63-бет).

“Баҳром ва Гуландом” достони матнида мазкур лексеманинг қўлланиш даражаси биров пастроқ. Аниқ статистик маълумотларнинг тасдиқлашича, мамлакат лексемаси, мамлакатга, мамлакатда, мамлакатдан, мамлакатини каби вариантлари икки мартадан, шунингдек, мамлакати, мамлакатим, мамлакатингни, мамлакатларидан сингари шакллариининг ҳар бири бир мартадан қўлланганлиги аниқланди. Уларнинг деярли ҳаммасида муайян давлат (мамлакат), салтанат ва шоҳлик каби маъноларни ифодалаш устунлик қилган. Мисоллар келтирамиз: Бу ердан бир қизни олиб кетарман, мамлакат, юртим мен ҳам етарман (Б.Г.63-бет); Неча кун, неча тун, унда юрарман, Мамлакатим тоғ-у тошин кўрарман, Жавоб берсанг, ота энди борарман (Б.Г.15-бет) каби.

Ўлка: соф туркий сўз сифатида фаол қўлланади, мамлакат лексемасининг синоними сифатида қўлланилиши мумкин. “Малика айёр”

достонидан олинган мазкур матн бу борадаги кузатишимизни далиллайди: Чамбил ўлкаларим ёдима энди, Саломат кўрарсан қизингди, Чамбилбелда сен ҳам юрган тўрасан (М.А.46-бет). Тарзинг кўрдим бир мамлакат шунқори, Бул ўлгага нечук тушди гузори, Гузор солган хоним қайдан бўласан? (М.А.52-бет).

“Баҳром ва Гуландом” достони матнида ўлка лексемаси учрамади.

Хулоса шуки, ижтимоий-сиёсий муносабатларни ва маъмурий-худудий

бўлинишни ифодаловчи лексемалар тилимизнинг олтин фондидан муносиб

ўрин олган. Уларнинг халқ достонлари матнларида қўлланган намуналарини тўплаш, этимологик ва қўлланиш хусусиятларини ўрганиш алоҳида тадқиқот олиб боришни талаб қилади

Адабиётлар:

1.Б.Г- Баҳром ва Гуландом – Тошкент:Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти,1886.

2.М.А.- Малика айёр.- Тошкент:Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти,1886.

3.ЎТИЛ- Ўзбек тилининг изоҳли луғати.Беш томлик.- Тошкент:ЎзбМЭ.,2-жилд,2006.

4.ЎТИЛ- Ўзбек тилининг изоҳли луғати.Беш томлик.- Тошкент:ЎзбМЭ.,5-жилд,2006.

